



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 30 » sentabr

№ 556

Toshkent sh.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 майдаги ПФ–5989-сон ҳамда “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 январдаги ПФ–53-сон Фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 январдаги ПФ–53-сон Фармонига асосан:

а) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) таркибида **юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги ҳамда қуйидагилар унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгиланганлиги:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда ундириладиган йиғимларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдори;

жисмоний ва юримдик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган ташкилотларга мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Жамғарма ҳисобидан субсидия ажратиш бўйича тартиб белгиланганлиги;

в) 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача қуйидаги манбалардан келиб тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилиши:

пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи ва трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи. Бунда ушбу маблағлар бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш учун ажратилиши;

пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи. Бунда ушбу маблағлар тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61 – 63) экспорт қилувчи ташкилотларга субсидиялаш учун ажратилиши ҳамда ушбу субсидиялар ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасига қадар ҳисобот ойида тушган маблағлар ҳисобидан экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда ажратилиши;

г) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Агентликнинг талабномасига асосан Жамғармага 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялашга беғараз ажратиши;

Молия вазирлиги зарур бўлганда, ушбу мақсадлар учун 2022 йилда республика бюджетидан Жамғармага қўшимча равишда 250 миллиард сўмгача маблағ ажратиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон Фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони (бўялган трикотаж матодан ташқари) олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан – 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан – 0,2 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Куйидагилар:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж ташкилотларида хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобидан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда уларнинг экспорти янада рағбатлантириш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги таркибидаги Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини янада рағбатлантиришни назарда тутувчи **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;**

тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда маҳсулотлар экспорти қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи **Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларни субсидиялаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги таркибидаги Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида:

Агентлик тузилмасида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, 8 штат бирлигидан иборат **Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими** ташкил этилсин;

Агентлик томонидан Молия вазирлиги Ҳазначилигида махсус ғазна ҳисобварақлари очилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” сентябрдаги 556 -сон қарорига
1-илова

**Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни
рағбатлантириш агентлиги таркибидаги Тўқимачилик соҳасини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги таркибида ташкил этилган Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини белгилайди.

2. Жамғарма Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) таркибида республикадаги мавжуд хом ашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини янада рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган махсус ғазна ҳисобварақларида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 2022 йилда 250 млрд сўмгача миқдорда ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаvasи (ТИФ ТН коди 5106, 5202-5207, 5307-5308) ва трикотаж матони (ТИФ ТН коди 60, бўялган трикотаж матодан ташқари) олиб чиқишда, 2022 йил 1 февралдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан 0,2 АҚШ доллари миқдоридаги йиғимнинг ип-калава бўйича 95 фоизи ва трикотаж мато бўйича 100 фоизи;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар;

Жамғармада бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

5. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи, трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратадиган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган ташкилотларга мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш;

б) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи ҳисобидан тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда ҳисобот ойида тушган маблағлар ҳисобидан субсидия ажратиш.

6. Жамғармадан мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган мақсадларга маблағлар ҳақиқатда келиб тушган маблағлар миқдори асосида ажратилади.

4-боб. Жамғармани бошқариш

7. Агентликнинг Тўқимачилик соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

8. Ижро этувчи орган:

пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи, трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратадиган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялашни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар

қийматининг бир қисмини субсидиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади;

пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоиз қисми ҳисобидан тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкилотларга субсидиялашни Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларни субсидиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича прогнозни ва ҳисобот балансларини белгиланган тартибда шакллантиради;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларини ижро этиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритилишини таъминлайди;

Жамғарма молия ҳисоботининг ишончлилигини таъминлайди.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисобот ва назорат

9. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши учун жавобгарлик Агентликка юкланади.

10. Агентлик Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан ҳисоботларни ҳар ой якуни бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритиб боради.

11. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши белгиланган тартибда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

12. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва кейинчалик ушбу Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланиш учун миллий ва чет эл валютасида жамғариб бориладиган ғазначилик шахсий ғазна ҳисобварақларида қолади.

6-боб. Якунловчи қоида

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” сентябр даги 556-сон қарорига
2-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Жамғарма ҳисобидан субсидиялаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

лойиҳалар – бўялган мато ва/ёки аралаш газлама ва/ёки бўялган газлама ишлаб чиқариш йўналишида амалга оширилган лойиҳалар;

субсидия – бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини қайтармаслик шarti билан Жамғарма ҳисобидан ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчилар - бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширадиган ташкилотлар;

ускуналар – бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқаришда ишлатиладиган, аввал ишлатилмаган, ишлаб чиқариш муддати “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштирилган кунгача уч йилдан ошмаган ускуналар.

2-боб. Субсидия ажратиш шартлари

3. Субсидия лойиҳаларни амалга оширган ташкилотларга лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда ажратилади.

Бунда:

мазкур лойиҳалар доирасида янги ускуналар харид қилинган бўлиши;
ускуналар қийматига етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажатлари киритилмаслиги;

лойиҳаларни фойдаланишга топшириш далолатномаси мавжуд бўлиши;
лойиҳалар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида амалга оширилган бўлиши;

лойиҳалар 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача бўлган муддатда амалга оширилган бўлиши лозим

3-боб. Субсидия ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

4. Лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш бўйича субсидия олувчиларнинг аризалари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ кўриб чиқилади.

5. Субсидия олиш учун субсидия олувчилар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган шаклларга мувофиқ тўлдирилган ариза ва анкета;

харид қилинган ускуналар, уларнинг етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажати киритилмаган ҳолдаги қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатлари нусхалари;

ускуналар янгилигини тасдиқловчи ҳужжатлар (харид шартномалари, ускуна паспорти, мувофиқлик/келиб чиқиш сертификатлари, божхона декларацияси);

лойиҳаларни фойдаланишга топшириш далолатномаси нусхаси.

6. Субсидия олувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Субсидия олувчи томонидан субсидия олиш учун ариза ва тегишли ҳужжатлар Агентликка бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилиши мумкин.

Ариза бўйича қабул қилинган қарор ҳақида субсидия олувчи унинг розилиги асосида электрон шаклда хабардор қилиниши мумкин.

8. Субсидия олиш учун ариза Агентликка субсидия олувчи томонидан бевосита тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

9. Субсидия олиш учун ариза Агентликка субсидия олувчи томонидан почта ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, Агентлик томонидан 3 иш куни мобайнида субсидия олувчига ҳужжатлар тегишли жавоб хати билан қайтарилди.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар Агентлик томонидан 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига 1 иш куни мобайнида юборилди ва улар томонидан 7 иш куни давомида субсидия ажратиш юзасидан ушбу Низом талабларига мос келиши бўйича тегишли хулоса тақдим қилинади.

11. Агентлик томонидан 1 иш куни мобайнида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг хулосалари асосида субсидия ажратиш бўйича қарор қабул қилинади.

12. Агентлик томонидан 1 иш куни мобайнида субсидия олувчиларга қабул қилинган қарор тўғрисида билдиришнома юборилди.

4-боб. Субсидия ажратишни рад этиш асослари

13. Қуйидагилар субсидия олувчиларга субсидия ажратишни рад этиш учун асос бўлади:

субсидия олувчилар ва улар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низом 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

14. Ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилмаган асосларга кўра субсидия олувчиларга субсидия ажратиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

15. Субсидия олувчилар субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарорни (хулосани) олгандан сўнг рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда, субсидия олиш учун Агентликка ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

16. Субсидия олувчилар субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан (хулосадан) норози бўлган тақдирда, судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Субсидия тўловларини амалга ошириш тартиби

17. Субсидия харажатлари Жамғармага Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган ҳамда пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи ва трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи ҳисобидан Жамғармага келиб тушадиган маблағлардан қопланади.

18. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Агентликнинг талабномасига асосан Жамғармага 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни тўлиқ бир марта бeғараз ажратади.

19. Молия вазирлиги пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи ва трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизини Агентликка ажратади.

20. Агентлик субсидияни Жамғармага шу мақсад учун ажратилган маблағлар доирасида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар субсидия олувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

21. Чет эл валютасида харид қилинган усуқуналар харажатлари учун субсидия миллий валютада ажратилади. Чет эл валютасида харид қилинган усуқуналарнинг миллий валютадаги қиймати усуқуналарнинг божхонада “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштирилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курси бўйича ҳисобланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Субсидия ажратиш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

Субсидия олувчи тақдим қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

23. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Агентликнинг Жамғарма маблағларидан субсидия ажратиш фаолиятини мониторинг қилади.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятларда бўялган мато ҳамда
аралаш ва бўялган газлама ишлаб
чиқариш лойиҳалари доирасида харид
қилинган ускуналар қийматининг бир
қисмини субсидиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга

1-илова

**Бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини
ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар
қийматининг бир қисмини субсидиялаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Субсидия олувчи	<p>Агентликка субсидия олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда мурожаат қилади:</p> <p>ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган шаклларга мувофиқ тўлдирилган ариза ва анкета;</p> <p>харид қилинган ускуналар, уларнинг етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажати киритилмаган ҳолдаги қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатлари нусхалари;</p> <p>ускуналар янгилигини тасдиқловчи ҳужжатлар (харид шартномалари, ускуна паспорти, мувофиқлик/келиб чиқиш сертификатлари, божхона декларацияси);</p> <p>лойиҳани фойдаланишга топшириш далолатномаси нусхаси.</p>	Лойиҳа ишга тушгандан кейин субсидия олувчининг ихтиёрига кўра
2-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади.	5 иш куни мобайнида
3-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Кўриб чиқилган ҳужжатларни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига юборади ҳамда улар томонидан субсидия ажратиш юзасидан тегишли хулоса олади.	7 иш куни мобайнида

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг хулосалари асосида субсидия ажратиш бўйича қарор қабул қилади.	1 иш куни мобайнида
5-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Субсидия олувчиларга қабул қилинган қарор тўғрисида билдиришнома юборади.	1 иш куни мобайнида
6-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Субсидия олувчиларнинг банкдаги ҳисобварағига тегишли субсидияни ўтказиб беради.	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар

Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятларда бўялган мато ҳамда
аралаш ва бўялган газлама ишлаб
чиқариш лойиҳалари доирасида харид
қилинган ускуналар қийматининг бир
қисмини субсидиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги ҳузуридаги Экспортни
рағбатлантириш агентлигига

_____ дан

Ариза

_____ (субсидия олувчи номи) (лойиҳа
йўналиши: бўялган мато, аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш)
лойиҳа(си)лари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини
компенсация қилиб бериш масаласини кўриб чиқишингизни ва тегишли
субсидияни _____ банкидаги _____
ҳисобварағига ўтказиб беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоқда:

1. Анкета;
2. (Низомга мувофиқ илова қилинадиган бошқа ҳужжатлар номи кўрсатилади).

_____ раҳбари

_____ (Ф.И.О.)

Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятларда бўялган мато ҳамда
аралаш ва бўялган газлама ишлаб
чиқариш лойиҳалари доирасида харид
қилинган ускуналар қийматининг бир
қисмини субсидиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Анкета

1.	Юридик шахснинг тўлиқ номи:	
2.	Жойлашган жойи: (почта манзили)	
3.	СТИР рақами:	
4.	Банк реквизитлари: (банк бўлими номи, МФО ва ҳисобварағи)	
5.	Ташкилот раҳбари (Ф.И.О.)	
6.	Телефон рақами:	
7.	Электрон почта манзили:	
8.	Ташкилот ташкил топган йил:	
9.	Ташкилотда ишловчилар сони:	
10.	Ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати - маҳсулот турлари бўйича: (миқдори): 1. 2. ...	
11.	Амалга оширилган лойиҳа йўналиши (бўялган мато, аралаш ёки бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариши)	
12.	Лойиҳа амалга оширилган сана	
13.	Асбоб-ускуналар қиймати	
14.	Асбоб-ускуналар хариди бўйича шартнома ва тўлов ҳужжатлари (санаси ва рақами)	
15.	Асбоб-ускуналар номи, уни ишлаб чиқарган давлат	
16.	Асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилган сана	
17.	Асбоб-ускуналар импорт қилинган сана	
18.	Лойиҳани фойдаланишга топшириш далолатномаси (санаси ва рақами)	

_____ раҳбари

_____ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” сентябрдаги 556 -сон қарорига
3-илова

Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкilotларни субсидиялаш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги таркибидаги Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкilotларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

субсидия – тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкilotларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда қайтармаслик шarti билан Жамғарма ҳисобидан ажратиладиган маблағ;

субсидия олувчилар – тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкilotлар;

Агентлик – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги.

2-боб. Субсидия ажратиш шартлари

3. Пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи ҳисобидан тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкilotларга субсидия ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

3-боб. Субсидия тўловларини амалга ошириш тартиби

4. Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкilotларга субсидия ажратиш учун Агентлик Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг

15-санасига қадар ҳисобот оyi давомида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилган ташкилотларнинг экспорт миқдорлари, СТИРи, банк маълумотлари ва ҳисобварақлари кўрсатилган рўйхатини тайёрлайди. Бунда маҳсулотлар АҚШ долларидан бошқа турдаги валютада экспорт қилинган бўлса, унинг миқдори кейинги ойнанинг 1-санасида Марказий банкнинг валюталар курси бўйича АҚШ доллари эквивалентига ўтказиш йўли ҳисобланади.

Бунда Агентлик амалга оширилган экспорт ҳажмларини Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизимидаги маълумотлар асосида ўрганиб чиқади.

5. Агентлик томонидан ўрганишлар натижаси бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 15-санасидан 18-санасига қадар Жамғармага ҳисобот ойда келиб тушган маблағлар тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида тенг улушда тақсимланади.

6. Агентлик томонидан тақсимот бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 20-санасига қадар субсидия ҳар бир тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63) экспорт қилувчи ташкилотнинг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Бунда субсидия пахта ип-калаvasи экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи бўйича Жамғармага ҳисобот ойда келиб тушган маблағлар ҳисобидан экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда ажратилади.

7. Субсидия ажратилиши юзасидан ҳисоботлар ҳар ой якуни бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритиб боради.

4-боб. Якунловчи қоидалар

8. Субсидия ажратиш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини
экспорт қилувчи ташкилотларни субсидиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61-63)
экспорт қилувчи ташкилотларга субсидия ажратиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилган ташкилотларнинг экспорт миқдорлари, СТИРи, банк маълумотлари ва ҳисобварақлари кўрсатилган рўйхатини тайёрлайди.	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
2-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Жамғармага келиб тушган маблағларни тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасида тенг улушда тақсимлайди.	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан 18-санасига қадар
3-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Субсидияни ҳар бир тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотнинг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар
4-босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Субсидия ажратилиши юзасидан ҳисоботларни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритиб боради.	Ҳар ой якуни бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 30 сентябрдаги 556-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 12 февралдаги 106-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 31-модда) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом пахта толасини биржа савдоларида маҳаллий истеъмолчиларга сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сотувчи – пахта толасини ишлаб чиқарувчи, шунингдек, чет элдан импорт ҳисобидан сотиш учун олиб келувчи ва биржа савдолари орқали сотувчи ташкилотлар;

харидор – қайта ишлаш қувватларига эга бўлган республика тўқимачилик корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобга олинган ҳолда, ўз маҳсулотини қайта ишлашда пахта толасидан фойдаланиш зарурлиги муносабати билан юридик шахс ташкил этган бошқа ташкилотлар;

биржа битими – биржа савдоларининг натижаси бўйича тузилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган биржа товари олди-сотди шартномаси;

биржа аъзолари – биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар;

дилер – биржа битимларини ўз номидан ва ҳисобидан тузувчи юридик шахс, биржа аъзоси;

брокер – мижознинг (сотувчи ёки харидорнинг) топшириғига асосан ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи юридик шахс, биржа аъзоси;

трейдер – биржа аъзоси номидан биржа савдоларида иштирок этувчи ва биржа битимларини тузиш ҳуқуқига эга биржа аъзоси ходими;

биржа савдоларининг электрон тизими (кейинги ўринларда – БСЭТ) – биржа аъзоларига аниқ вақт режимида биржа савдоларида иштирок этиш имкониятини берадиган, дастурий-аппарат воситалари мажмуини ўз ичига олган ахборот тизими;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда – ҲККП) – клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари (кейинги ўринларда – битим) бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлинмаси;

аванс – сотувчи ва харидор томонидан киритиладиган, биржа воситачилик йиғимини ва томонларнинг закатини ўз ичига оладиган сумма.

3. Биржа савдоларида пахта толаси уни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, пахта толасини ички бозорда сотиш учун чет элдан импорт ҳисобига олиб келадиган ташкилотлар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари) томонидан сотилади.

4. Қайта ишлаш қувватларига эга бўлган республика корхоналари биржа савдоларида пахта толаси харидорлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобга олинган ҳолда, ўз маҳсулотини қайта ишлашда пахта толасидан фойдаланиш зарурлиги муносабати билан юридик шахс ташкил этган бошқа ташкилотлар ҳам харидор сифатида иштирок этишлари мумкин.

Пахта толасини қайта ишлаш қуввати мавжудлиги тўғрисида биржага туман (шаҳар) ҳокимликларининг тавсияларини тақдим этган харидорлар савдоларга қўйилади.

Тавсиялар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ўрганиш йўли билан мурожаат қилинган пайтдан бошлаб мажбурий тартибда ўн кун мобайнида берилади ва бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Тавсияларни олгандан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ўзгарган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимликларига беш иш куни ичида хабар берилиши шарт.

Тавсияларни бериш муддати тамом бўлгандан кейин улар олингунга қадар харидорнинг туман (шаҳар) ҳокимлигига мурожаат қабул қилинган сана ҳақида белги қўйилган мурожаати ва ҳокимликка юборилган ёзма билдиришнома аризада қайд этилган ишлаб чиқариш қувватлари доирасида савдоларда иштирок этиш учун асос ҳисобланади.

Бунда тавсиялар ўз вақтида берилмаганлиги ёки ноҳолисона берилганлиги оқибатлари учун тегишли ҳокимлик жавоб беради.

5. Пахта толаси биржа савдоларида ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича сотилади.

6. Харидорлар томонидан биржа савдоларида сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланилади.

2-боб. Пахта толаси ҳажмларини шакллантириш, биржа савдоларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби

7. Пахта толасини сотувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжидан ортган пахта толасини биржа савдоларига ўзлари мустақил равишда қўяди.

8. Пахта толасининг биржа савдолари намунавий биржа контрактлари асосида амалга оширилади, унда пахта толасининг жойлашуви, лот миқдори, нави, типи, классификацияси мажбурий тарзда акс эттирилади.

9. Биржа савдолари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, биржа савдолари ва ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Биржа савдолари ва ҳисоб-китоб-клиринг операциялари қоидалари биржа, биржа аъзолари, сотувчи ва харидорлар учун мажбурий ҳисобланади.

10. Сотувчи ва харидорлар биржа савдоларида мустақил равишда биржа билан тузилган шартномага мувофиқ дилер сифатида ёки брокер номидан трейдерлар орқали мустақил иштирок этадилар.

11. Тўланган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича сотувчи ва харидорларни савдоларга қўйиш ва улардан четлатиш, биржа савдолари ҳолибларини аниқлаш ва биржа битимларини рўйхатдан ўтказиш БСЭТ томонидан амалга оширилади.

Пахта толасини сотувга қўйиш, шу жумладан, ушбу маҳсулотга кичик ҳажмларда эҳтиёжи бўлган корхоналарга ҳам сотиб олиш имкониятини яратиш керак.

Бунда лотлар 1 тоннадан бўлиши керак.

3-боб. Маҳсулотнинг бошланғич нархларини ҳамда биржа савдолари қатнашчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва маҳсулотни юклаб жўнатиш механизмини белгилаш

12. Базавий сифатли (“Биринчи” нав, “Ўрта” классли, 4 тип) пахта толаси учун бошланғич нарх ҳар куни сотувчи томонидан Нью-Йорк товар биржасининг биржада навбатдаги савдолардан олдинги кундаги энг яқин етказиб бериш оғи учун фьючерс котировкаси қийматидан ошмайдиган нархда белгиланади.

Бошқа навлар, класслар, типлар ва кодлар учун бошланғич нарх Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ коэффициентлар қўлланган ҳолда аниқланади.

Бунда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳар биржа савдолари ўтказиладиган кунда соат 9-15 га қадар биржа савдоларидан олдинги кундаги Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш оғи учун

фьючерс котировкаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда, пахта толасининг 1 тоннаси учун миллий валютада ҳисобланган нархлари тўғрисидаги маълумотни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

13. Сотувчи ва харидор ҲҚКПдаги ўзларининг шахсий ҳисобварақларига аванс сифатида қуйидаги закат пулларини киритадилар:

сотувчи – савдоларга қўйиладиган маҳсулот қийматининг 1 фоизи миқдорида;

харидор – биржа битимининг мўлжалланаётган суммасининг 1 фоизи миқдорида.

14. Харидорлар:

биржада аванс билан таъминланган ҳажмлардаги маҳсулотни сотиб олишга битимлар тузиш;

пахта толасини текшириш ва маҳсулотни харид қилиш бўйича битим шартларига мувофиқ миқдорда ва сифатда танлаш;

товарни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангунига қадар (биржа битимида келишилган уни етказиб бериш шартларини бажариш) пахта толаси сақланадиган жойларда уни текшириш (танлаш) далолатномасини тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

15. Биржа савдолари қоидаларига мувофиқ олди-сотди шартномаси биржа томонидан биржа битимини электрон рўйхатга олиш кунида уни бажариш учун биржа аъзоларига тақдим этилади.

16. Харидор беш иш куни мобайнида биржанинг иккиламчи талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақамига тузилган биржа битимига мувофиқ молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун маблағлар ўтказиши шарт.

17. ҲҚКП олди-сотди шартномасига мувофиқ зарур маблағлар тушгандан кейин бир иш кунида ушбу Низом талабларига мувофиқ сотувчининг шахсий кабинетига тўланган битимлар тўғрисидаги реестрни юбориши шарт.

18. Сотувчи ҲҚКПдан сотиб олувчи томонидан олдиндан тўлов тўлангани тўғрисидаги маълумотни олгандан кейин маҳсулотни харидорга етказиб беришнинг биржа битимида келишилган шартларида етказиб беради.

Сотувчи товарни етказиб бериш бўйича биржа битимида келишилган шартларни бажаргандан сўнг сотувчи ва харидор рўйхатдан ўтказилган биржа битими бўйича маҳсулотни топшириш-қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузадилар.

20. Харидорга маҳсулотни топшириш-қабул қилиш (юклар жўнатиш) биржа битимларида назарда тутилган ҳажм ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низомда назарда тутилган маблағларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сотувчи банкида – сотувчи томонидан, харидор банкида – харидор томонидан амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қондалар

21. Биржа савдосини ташкил этиш, шартнома мажбуриятларини бажариш ва ҲҚҚП хизмат кўрсатиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Ушбу Низомдан келиб чиқиб, сотувчилар ёки харидорлар томонидан уларга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, айбдор томондан иккинчи тараф фойдасига жарима сифатида закат пуллари ушлаб қолинади. Бунда сотувчи томонидан харидор фойдасига ундириладиган жарима миқдори шартноманинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Пахта толасини биржа савдоларида
сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Пахта толасини биржа савдоларида сотиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Харидор мурожаатига асосан пахта толасини қайта ишлаш қуввати мавжудлиги тўғрисида тавсия беради.	Ўн кун мобайнида
2-босқич	Харидор	Пахта толасини қайта ишлаш қуввати мавжудлиги тўғрисидаги тавсияни биржага тақдим этади.	Заруриятга кўра
3-босқич	Сотувчи, харидор, биржа	Сотувчи (харидор) билан биржа ўртасида мустақил шартнома тузади.	Биржа савдоларида иштирок этишдан аввал

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	“Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси	Пахта толасининг 1 тоннаси учун миллий валютада ҳисобланган нархлар тўғрисидаги маълумотни расмий веб-сайтга жойлаштиради.	Ҳар биржа савдолари ўтказиладиган кунда соат 9-15 га қадар
5-босқич	Сотувчи	Ўз эҳтиёжидан ортган пахта толасини биржа савдоларига мустақил равишда қўйади.	Биржа савдоларида иштирок этишдан аввал
6-босқич	Сотувчи, харидор	Ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги шахсий ҳисобварақларига аванс сифатида закат пулларини киритади.	Биржа савдоларида иштирок этишдан аввал
7-босқич	Сотувчи, харидор	Биржада аванс билан таъминланган ҳажмлардаги маҳсулотни сотиб олишга битимлар тузади.	Биржа савдолари вақтида
8-босқич	Харидор	Биржанинг депозит ҳисоб-рақамига тузилган биржа битимига мувофиқ молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун маблағлар ўтказилади.	Беш иш куни мобайнида
9-босқич	Биржа	Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси олди-сотди шартномасига мувофиқ зарур маблағлар тушгандан кейин сотувчининг шахсий кабинетига тўланган битимлар тўғрисидаги реестрни юборади.	Бир иш куни
10-босқич	Сотувчи	Ҳисоб-китоб-клиринг палатасидан сотиб олувчи томонидан олдиндан тўлов тўлангани тўғрисидаги маълумотни олгандан кейин маҳсулотни харидорга етказиб беради.	Биржа битими шартлари асосида

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
11-босқич	Сотувчи, харидор	Сотувчи ва харидор рўйхатдан ўтказилган биржа битими бўйича маҳсулотни топшириш-қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузади.	Биржа битими шартлари бажарилгандан сўнг

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги 373-сон қарориди:

а) 1-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини қоплаш учун ҳамда экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш”;

б) иловада:

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини қоплаш учун ҳамда экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш”;

7-бандга қуйидаги мазмундаги “м)” кичик банди қўшилсин:

“м) бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини қоплаш учун ҳамда экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш соҳасида:

бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмига субсидия ажратади;

тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда субсидия ажратади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 23 февралдаги 93-сон қарорида:

а) 1-банднинг “б” кичик банди биринчи хатбошидаги “75 фоизи” сўзлари “5 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги “пахта ип-калавасини” сўзлари “пахта ип-калаваси ва трикотаж матони (бўялган трикотаж матодан ташқари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) илованинг 3-банди иккинчи хатбошидаги “75 фоизи” сўзлари “5 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) илованинг 5-бобига қуйидаги мазмундаги 26-банд қўшилсин:

“26. Пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда ундириладиган йиғимлар бўйича мониторинг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда – ТСОЯЭАТ) маълумотлари асосида амалга оширилади.

Мониторинг натижаларига кўра, пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда белгиланган миқдордаги йиғимларни тўламаган экспорт қилувчи ташкилотлар (шартнома тузувчилар) аниқланган тақдирда, ушбу ташкилотлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан ТСОЯЭАТда реал вақт режимида янгиланиб борувчи “Йиғим тўламаган ташкилотлар” реестрига киритилади.

Реестрга киритилган ташкилотларга мавжуд қарздорлигини тўлиқ бартараф этмагунига қадар пахта ип-калаваси ва трикотаж матони экспорт қилишига рухсат берилмайди”;

д) илованинг “26.” банди — “27.” банди деб ҳисоблансин.

